

Қонунчилик палатасидаги турли сиёсий фракциялар ўртасидаги рақобат қанчалик кескин ва кучли бўлса, жамиятимизнинг муайян сиёсий кучлари ва ижтимоий қатламлари манфаатларини ўзида ифода этадиган ҳар қайси партиянинг ғоялари, дастурий вазифалари ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилишининг кафолати ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади.



O'zbekiston  
«ADOLAT»  
SOTSIAL-DEMOKRATIK  
PARTIYASI

Ижтимоий-сиёсий газета

Inson manfaatlarini — oliy qadriyat

# ADOLAT

№ 4  
(761)  
2010 йил,  
29 январь,  
жума

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

## МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШ — УСТУВОР МАҚСАДИМИЗДИР

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси

Ассалому алайкум, ҳурматли депутатлар!

Ҳурматли сенаторлар!  
Кадрли дўстлар!

Авваламбор, барчангизни бўлиб ўтган сайловларда эришган муносиб ғалабанинг билан, Сизларга сайловчилар, мамлакатимиз аҳолиси томонидан кўрсатилган юксак ишонч билан табриклаб, Сиз, халқ вакилларига ўзимнинг чуқур ҳурмат-эҳтиромимни билдиришдан хурсандман.

Аминманки, ҳақли равишда Сизларга кўрсатилган бу ишонч — биринчи навбатда барчангизнинг шахсиятингизга, билим, тажриба, фидокорона меҳнатингизга, энг аввало, мамлакатимизнинг обрў-эътибори ва раънаки, эл-юртининг фаровонлигини янада юксалтириш йўлида қўшаётган муносиб ҳиссангизга халқимиз томонидан билдирилган ҳурмат ифодасидир.

Айни вақтда бу ишонч умумхалқ сайловларида Сизлар вакили бўлиб иштирок этган сиёсий партияга, ижтимоий ҳаракатга билдирилган ишонч белгисидир.

Шу борада, ўйламанки, шу залда ўтирган барча депутатлар яхши англамоқда, буларни, яъни, халқимиз томонидан билдирилган катта умидни, ҳар қайсингиз ўзингизнинг ҳалол амалий меҳнатингиз билан оқлашингиз зарур бўлган аванс — насия, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Сизларнинг эътиборингизни яна бир ўта муҳим ҳолатга жалб этмоқчиман. Сизларнинг обрўингиз — бу Қонунчилик палатаси ва Сенатининг обрўси, республикамиз парламентининг обрўси, моҳият эътиборига кўра, мамлакатимизнинг обрўси эканини ҳеч қачон унутмаслигингизни истардим.

Ҳурматли дўстлар!

Бугун Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида 2009 йил 27 декабрь куни Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғори Кенгеси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар ҳақида ва шунингдек, 2010 йилнинг 10 январь кунини ана

шу идораларга ўтказилган такрорий сайловлар хусусида ортиқча гапиришни ҳожаги йўқ, деб ўйлайман.

Ушбу сайловлар ҳақида мамлакатимиздаги тегишли ваколатга эга бўлган тузилмалар раҳбарлари ва жамоатчилигимиз томонидан, Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган хорижий ташкилот ва кузатувчилар томонидан ҳам атрафлича, етарли ва холис баҳолар берилди.

Барча-барча берилган баҳо ва тафсилотларда аввало сайловчиларимизнинг овоз бериш пайтида умумий фаоллик, очиқлик ва ошкоралик, миллий ва халқаро қонунчилик меъёрлари ва талабларига риоя қилиш муҳити яққол намоён бўлгани таъкидланди.

Бу ўз навбатида жамиятимизнинг ўтган давр мобайнида демократик ўзгаришлар, ҳар қайси фуқаронинг танлаш эркинлигини таъминлаш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида том маънода қандай улкан қадамлар қўилганини яна бир бор

таъкидлади.

Қонунчилик палатасига 30 фозга яқин, маҳаллий кенгашларга эса тахминан 20 фоздан кўпроқ депутатлар сайловларнинг такрорий босқичидан — иккинчи турдан ўтишга мажбур бўлганларнинг ўзи — ушбу сайловларимиз нақадар демократик асосда бўлиб ўтганининг, ҳеч шубҳасиз, яққол исботи, десак, тўғри бўлади.

Бўлиб ўтган сайловлар аҳоли-мизнинг юксак ижтимоий-сиёсий маданиятини, унинг сиёсий ва фуқаролик онг даражаси тобора ўсиб бораётганини, сайловчилар мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнининг чуқурлаштириш йўлидан изчил илгариланган бораётганини кенг қўллаб-қувватлаётганини намойиш этди.

Энг муҳими, мазкур сайловлар давлатимиз ҳаётида юз берётган барча туб ўзгариш ва янгиланишлар жараёни орқага қайтариб бўлмайдиган қонуний тус олганини яна бир бор кўрсатди.

Энг муҳим хулоса шундан иборатки, бу сайловлар бугунги кун-

да ҳаётимизни демократлаштириш ва либераллаштиришга қаратилган ўзгаришлар жараёнини, ҳақиқатдан ҳам, ҳеч қандай куч орқага қайтара олмаслигининг амалий ифодаси бўлганини тақрор ва тақрор таъкидлашни ўринли деб биламан.

Барчамизга яхши маълумки, биз ўз вақтида шу борада муҳим қарорлар, хусусан, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги конституциявий қонунни қабул қилган эдик.

Шунингдек, сиёсий партияларнинг сайловларда қатнашиб, ўзининг нималарга қодир эканини исботлашга, амалда бу партияларни Ўзбекистонда бўлиб ўтатган чуқур ўзгаришларнинг ҳал қилувчи кучига айлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, жорий этилганидан ҳам хабардорсиз.

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг  
ҚАРОРИ

## «БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йилит-қизларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида 2010 йилнинг «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинган муносабати билан:

1. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тасдиқлансин. Унда қуйидагилар асосий вазифалар этиб белгилансин:

болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

«Соғлом она — соғлом бола» дастурини изчил амалга ошириш асосида соғлом авлодни вояга етказиш борасидаги чора-тадбирларни янада кучайтириш, оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, профилактикага асосланган соғлиқни сақлаш тизимини устувор ривожлантириш, тиббий хизмат моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соғлом болалар туғилиши ва уларни тарбиялаш билан боғлиқ масалалар юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ҳамда маслаҳат ишларини кучайтириш;

тайёрланаётган мутахассисларга реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларидаги мавжуд талабга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, ўсиб келаётган ёш авлодга таълим ва тарбия бериш соҳасидаги моддий-техника базани янада мустаҳкамлаш, ундан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий адабиётларни такомиллаштириш;

таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни, электрон дарсликлар, мультимедиа воситаларини кенг жорий этиш орқали мамлакатимиз мактабларида, касб-ҳунар коллежлари, лицейлари ва олий ўқув юртиларида ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш, таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория базасини замонавий турдаги ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси билан мустаҳкамлаш, шунингдек, ўқитувчилар ва мураббийлар меҳнатини моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш бўйича самарали тизимни янада ривожлантириш;

(Давоми 3-бетда.)

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

### Тошкентда 27 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов иштирок этди.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, республика ташкилотлари раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари, дипломатик корпус, халқаро ташкилотларнинг вакиллари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари мухбирлари иштирок этди.

Мажлиси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова бошқарди.

Кун тартиби тасдиқланганидан кейин, депутатлар ва сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиши тўғрисидаги муносабатини кўриб чиқиб, уни

қондирди, ҳуқуқатга унинг янги таркиби шакллантирилгунга қадар ўз вазифасини бажаришни давом эттириб туриш топширилди.

Қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» мавзусида маъруза қилди.

Мажлисида давлатимиз раҳбари маърузасида кўтарилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси раҳбари Б.Ўқубов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси М.Ўжамбердиев, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари У.Вафоев, Хоразм вилояти хотин-қизлар



С. УРМОНОВ (ЎЗА) олган сурат.

қўмитаси раиси, сенатор Ш.Ўжаниёзова, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси раҳбари У.Мухаммадиев, Ўзбекистон Фанлар Ака-

демиясининг Қорақалпоғистон бўлими раиси, сенатор Н.Айибетов, «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси раҳбари И.Саифназаров, Республика шошилинч тиббий

ёрдам илмий маркази директорининг ўринбосари, сенатор Е.Борисова, Ўзбекистон Экология ҳаракати депутатлар гуруҳи раҳбари Б.Алиқонов сўзга чиқди. Сўзга чиқ-

қанлар Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов маърузасидаги қондалар ва хулосаларни қўллаб-қувватлади.

Давлатимиз раҳбарининг маърузаси бўйича Олий Мажлис палаталарининг маърузада қўйилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш тўғрисидаги қўшма қарори қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, Олий Мажлис кўриб чиқиши учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига Ш.Мирзиёев номзодини тақдим этди.

Парламент аъзолари кўрсатилган номзодни маъқуллади ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб Ш.Мирзиёевни тасдиқлади. Ушбу масала бўйича Олий Мажлис палаталари тегишли қарорлар қабул қилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси ўз ишини якуналади.

### ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Сўнги ҳафта мамлакатимиз парламенти ҳаётида муҳим воқеаларга бой бўлди. Хусусан, 22 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.



Марказий сайлов комиссиясининг раиси М.Абдусаломов олиб борган парламент кўйи палатасининг биринчи мажлисида депутатлар кун тартибидан ўрин олган бир қатор масалаларни кўриб чиқдилар.

Дастлаб депутатлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарларини сайлаш учун Оқсоқоллар кенгашини туздилар.

Оқсоқоллар кенгаши ўз мажлисини ўтказиши учун эълон қилинган танаффусдан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери лавозимига номзод бўйича Оқсоқоллар кенгашининг тақдифи ўқиб эшиттирилди. Депутатлар аширин овоз бериш орқали Дилором Тошмухамедовани Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Спикери этиб сайладилар.

Шундан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари сайланди. Жумладан, депутатлар Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг раҳбари Исмоил Саифназаровни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари этиб сайладилар.

Мажлисида парламент кўйи палатасининг тегишли қўмиталарини тузиш тўғрисида, шунингдек, мазкур қўмиталар раисларини сайлаш тўғрисидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

### ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИНING ҚАРОРИ

#### Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. **Мирзиёев** Шавкат Миромонович Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тасдиқлансин.
2. Ушбу Қарор Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилсин.
3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери

Д.ТОШМУХАМЕДОВА

Тошкент шаҳри,  
2010 йил 27 январь.

### ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИING ҚАРОРИ

#### Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. **Мирзиёев** Шавкат Миромонович Ўзбекистон Республикаси Бош вазири этиб тасдиқлансин.
2. Ушбу Қарор Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилсин.
3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси

И.СОБИРОВ

Тошкент шаҳри,  
2010 йил 27 январь.

# МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШ — УСТУВОР МАҚСАДИМИЗДИР

## Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси

(Давоми. Бошланғич 1-бетда.)

Бўлиб ўтган сайловлардан биз чиқаришимиз керак бўлган яна бир ўта муҳим хулоса шундан иборатки, бу сайловлар ўз вақтида қабул қилинган ана шу қарорларнинг нақадар тўри ва самарали эканини кўрсатди.

Айнан ана шу хусусият — яъни, сиёсий партияларнинг ҳал қилувчи куч сифатида майдонга чиқиши мазкур сайловларнинг моҳияти ва асосий маъно-мазмунини ташкил этди, десам, янгиликмаган бўлман.

Ўйлайманки, ўтган сайловларнинг айни шундай аломатлари мамлакатимиз парламент тизимининг самардорлигини оширишга албатта сезиларли таъсир ўтказди.

Шу фурсатдан фойдаланиб, ёруғ келажакимизни қуриш йўлида мамлакатимиз бу мураккаб сиёсий имтиҳондан муваффақиятли ўтгани учун барча фуқароларимизни яна бир бор табриқлаб, бутун халқимизга чуқур миннатдорлигини ва хурматини билдиришни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Мухтарам мажлис иштирокчилари!

Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг янгитдан сайланган таркибининг бўлғуси фаолияти билан боғлиқ масалаларга ўтишдан олдин Олий Мажлисининг ўз ваколатларини тугатган ҳар иккала палатаси аъзоларига, уларнинг сидқиқидилдан қилган меҳнати, Ватанимиз қудратини мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини оширишга қўшган катта ҳиссаси учун самимий ташаккур билдиришга руҳсат бергайсиз.

Маълумки, биринчи бор 2004 йилда сайланган икки палатани парламентимизнинг фаолияти ҳаётимизнинг муҳим бир даврига — мамлакатимизда чуқур ўзгаришлар, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини изчил ислох этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнида жадал суръатлар билан ривожланиётган бир даврга тўри келди.

Ўзбекистоннинг олдида турган ушбу устувор вазифаларнинг барчасини ҳал қилишда парламентнинг аввалги таркиби мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ишида катта аҳамиятга эга бўлган 250 дан зиёд қонунни қабул қилиб, муҳим ҳисса қўшди.

Бугун шу борада амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилар эканмиз, айтиш мумкинки, парламентнинг профессионал органи сифатида доимий фаолият олиб борадиган, қонунларни ишлаб чиқариш ва қабул қиладиган қўйи палатаси ва ҳудудий вакиллик органи сифатида минтақаларимизнинг манфаатларини тўлиқ ақс эттирадиган юқори палата бўлмиш Сенатни шакллантириш бўйича асосий вазифалар, умуман олганда, муваффақиятли ҳал қилинди.

Қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг сифати ва асосланиши тубдан яхшиланди. Умумдавлат ва минтақавий манфаатлар ўртасидаги мутаносиллик ва уйғунлик янада самарали таъминланмоқда.

Сиёсий партияларнинг мамлакатимиз олий қонунчилик органи, жойлардаги ҳокимият вакиллик органи фаолиятидаги роли ва таъсири сезиларли даражада ошди.

Қонунчилик палатасида биринчи марта парламентдаги кўпчилик — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси ва шунингдек, «Адолат» социал-демократик партияси фракцияларини бирлаштирган Демократик блок шаклланди. Айни вақтда Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси тизимсизда парламентдаги муҳолифат ташкил топди.

Олий Мажлисининг қонун ижодкорлиги фаолиятида мамлакатимизда иқтисодий соҳада амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларни, қулай инвестицион муҳитни шакллантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш, банк-молия тизимини ривожлантиришни норматив-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш масалалари алоҳида ўрин эгаллади.

Бу даврда хусусий мулкни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш, мамлакатимизда ҳар томонлама бақувват мулк эгалари синфини шакллантириш, фермерлик ҳаракатини мустаҳкамлаш, иқтисодиётни янада либераллаштиришни таъминлаш, тадбиркорлик, аввало кичик бизнес фаолиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, кенг тармоқли бозор инфратузилмасини барпо этишни кўзда тутиб қонун ҳужжатларининг бутун бир мажмуаси қабул қилинди.

Аҳоли даромадлари ва халқ фаровонлигини узлуксиз ошириб бориш, кенг миқёсдаги ижтимоий дастурларни муваффақиятли амалга ошириш масалалари парламентнинг эътибор марказида бўлди.

Иқтисодий ислохотларни қонуний жиҳатдан таъминлашга йўналтирилган бундай ва бошқа бир қатор тадбирлар 2009-2012 йилларга мўлжалланган, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини имкон қадар қамайтиришга қаратилган Инқирозга қарши чоралар дастурини самарали амалга оширишни ҳуқуқий таъминлаш, дунёдаги санокли давлатлар қаторида Ўзбекистонга иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолиш ва аҳолининг реал даромадларини ошириш имконини берди.

Бу хулосаларни тасдиқлайдиган рақамлар ҳақида гапирадиган бўлсак, оғир келган 2009 йилда мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоизга ўсгани, саноат соҳаси 9 фоизга, иқтисодиётимизга жалб этилган инвестициялар ҳажми 26 фоизга, шу жумладан, ташқи инвестициялар 68 фоизга ошгани, ташқи савдонинг ижобий сальдоси 2,3 миллиард доллардан кўпроқни ташкил этгани, дорлач ойлик даражасининг ўсиши 40 фоизга, аҳоли даромадлари эса 26,5 фоизга кўпайганини таъкидлаш лозим. Мана шу мисолларнинг ўзидек биз эришган кўпгина ютуқларнинг яққол далили бўла олади, десак, айни ҳақиқатни айтган бўлаимиз.

Шуни таъкидлаш керакики, парламентимиз суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислох қилиш ва либераллаштириш, суд ҳокимиятининг амалдаги мустақиллигини таъминлаш бўйича мамлакатимизда олиб борилаётган кенг миқёсли ишларга ҳам салмоқли ҳисса қўшди. Ўтган беш йил мобайнида қабул қилинган 58 та қонунга мубофиқ, суд-ҳуқуқ тизимидagi ислохотлар янада чуқурлаштирилди.

Шу даврда жиноий жазо тизимини либераллаштириш, амалда суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш жараёнида катта эътибор берилди. Адвокатура институти ислох этилди. Суд қарорларини ижро этиш тизими, прокуратура фаолияти такомиллаштирилди, бутун суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич демократлаштиришга қаратилган бошқа бир қатор чора-тадбирлар амалга таътиб этилди.

Мамлакатимизда 2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида, шунингдек, фуқароларни қамоққа олишга санкция берилар ҳуқуқини прокуратурадан судларга ўтказиш тўғрисида 2007 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари бутун дунёда улкан қизиқиш ва эътибор уйғотди. Мазкур чора-тадбирларнинг жорий этилиши билан Ўзбекистонда дунёдаги энг инсонпарвар, либерал жиноий жазо тизимларидан бири яратилди.

Демократик ислохотларнинг муҳим таркибий қисми бўлган фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш бўйича ҳам кўп ишлар амалга оширилди.

Кейинги йилларда оммавий ахборот воситаларини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислохотларнинг очқилги ва ошқоралигини таъминлашда уларнинг фаоллигини ошириш, медиа маконга илғор ахборот-коммуникация технологияларини бевосита жорий этишга қаратилган қарийб 10 та қонун ҳужжати қабул қилинди.

2008 йилнинг июль ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳар икки палатаси кенгашларининг «Надавлат нотижорат» ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг

бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қўшма қарори қабул қилинди.

Бу ҳужжат надавлат нотижорат ташкилотларининг, фуқаролик жамияти институтларининг мустақил ривожланишини босқичма-босқич таъминлаш, мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида уларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди.

Мазкур қўшма қарорга биноан надавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини молиялаштириш манбаларини шакллантиришнинг мустақил, демократик принципларга асосланган тизими яратилди.

Хурматли мажлис қатнашчилари! Эришилган ютуқларни қайд этар эканмиз, шу билан бирга, аввалги парламентимиз фаолиятидаги камчилик ва нуқсонлар, фойдаланилмаган қолган имкониятлар ҳақида ҳам айтиб ўтишни зарур, деб биламан. Бугун, Олий Мажлисининг келгуси беш йилдаги фаолиятининг асосий вазифалари ва устувор йўналишлари белгилаб олинаётган бир пайтда бу айниқса муҳимдир.

**Биринчидан**, шуни тан олиш керакики, Қонунчилик палатаси фаолиятидаги энг катта камчиликлардан бири унинг қонун ижодкорлиги ишлари бўйича чуқур ва ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган, мамлакатимизда амалга оширилаётган социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотлар жараёнининг талаблари билан узвий боғлиқ бўлган, узок истиқболга мўлжалланган ўз дастурига эга эмаслигида кўринади.

Бу кўпгина қонунларнинг аниқ бир тизимга риоя қилган ҳолда, уларнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектлар томонидан киритилишига қараб қабул қилинишига олиб келаётган сабаблардан биридир.

**Иккинчидан**, иқтисодий, сиёсий, гуманитар соҳаларда жадал ривожланаётган ислохотларни амалга ошириш учун ҳаётий зарур бўлган қонунларни киритиш ташаббуси билан чиқишда ва уларнинг қабул қилинишини тезлаштиришда депутатлар корпусининг сусткашлиги, бу борада етарлича фойдаланилмаган қўшма маълумотларнинг жиддий камчилиги ҳисобланади. Кейинги беш йил мобайнида Қонунчилик палатасига тақдим этилган 297 та қонун лойиҳасидан атиги 44 таси депутатлар ташаббуси билан киритилган.

Айни пайтда, 42 та қонун лойиҳаси бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тақдим этилган, 160 тадан зиёд қонун лойиҳаси эса мамлакатимиз ҳукумати томонидан киритилган бўлиб, уларнинг аксарият қисми Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорларининг ижросини таъминлаш муносабати билан тақдим этилган.

**Учинчидан**, қабул қилинаётган қонунларнинг сифатини тубдан яхшилаш талаб этилади. Уларнинг кўпчилиги амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш, тузатиш ва қўшимчалар киритишга қаратилган бўлиб, кодификациялаштириш характери, яъни, муайян даражада тизимлашув мазмунига эга эмас.

Қабул қилинадиган қонун лойиҳаларида амалдаги қонун ҳужжатларидан фарқ қиладиган тафовутларга, такрорларга йўл қўйилганини, бошқа ҳужжатларга ҳавола қилиш ҳолатларини кўпчилиги қайд этиш лозим.

Ва энг асосий камчилик қабул қилинадиган қонунларда аксарият ўринларда ана шу қонун ҳужжатларининг ҳаётга таътиб этилишини таъминлайдиган процессуал механизмларнинг мавжуд эмаслигида кўзга ташланади. Бу эса ўз-ўзидан ушбу ҳужжатларнинг қўланишини сезиларли даражада қийинлаштирилади, қонунларнинг ижро этилмаслиги, ҳуқуқий ниғизланиши, яъни ҳар қандай ҳуқуқий норманинг инкор қилинишига, ҳуқуқни қўллаш амалиёти самарадорлигининг пайсалишига олиб келади.

**Тўртинчидан**, қонунда кўзда тутилган депутатлик назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга таъсир кўрсатиш шаклларида сўст фойдаланилмоқда.

Қўйи палата фаолият юритган бутун давр мобайнида атиги бир нечта, хусусан, инновация техно-

логияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, кимё саноати корхоналари қурилишини жадаллаштириш ва янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ масалалар бўйича парламент сўрови амалга оширилганини албатта етарли деб бўлмайди.

**Бешинчидан**, парламент депутатларининг ўз сайлов округидаги тизимли фаолиятини сезиларли даражада яхшилаш талаб этилади.

Айнан ана шундай фаолият қабул қилинган қонунлар қандай ишлаётганини, ҳўжалик юритиш амалиёти бугунги кунда қандай қонунларга муҳтож эканини, сайловчилар қандай муаммоларга дуч келаётгани ва уларни ҳал этиш бўйича нималар қилиш зарурлигини аниқлаш учун депутатга имкон берган бўларди.

Бу ҳақда кўп гапирмасдан, биргина мисолни келтириш мумкин. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг сайлов округидаги фаолиятини ташкил этиш тартиби» палата томонидан 2008 йилнинг май ойига келиб, яъни парламент фаолиятининг тўртинчи йилидагина ишлаб чиқилгани ва қабул қилинганини айтиб ўтишнинг ўзи кифоя, деб ўйлайман.

Афсуски, депутатларнинг сайлов округидаги фаолияти асосан шунчаки учрашувлар ташкил қилишдан иборат бўлиб қолган, тахлилларнинг кўрсатишича, улар ҳам кўпгина номигагина ўтказилиб, фақат шикоят ва саволларга жавоб қайтариш билан чекланилган.

**Олтинчидан**, қўйи ва юқори палаталар амалий фаолиятининг айнак дастлабки даврида аксарият ҳолларда ҳар икки томоннинг ўз амбицияларини намоён этиши. билан боғлиқ бўлган жиддий муаммолар ҳам кузатилади, бундай зиддиятлар қонун ҳужжатларини қабул қилиш муддати ва сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Мухтарам айтганда, Ўзбекистонда олий қонун чиқарувчи орган бўлмиш Олий Мажлис томонидан амалга оширилаётган қонун ижодкорлиги жараёнининг мустақил ва қорқарар таркибий қисми бўлган ҳар қайси палата фаолиятини таъминлаш жараёни қийинчилик билан йўлга қўйилди.

Албатта, ҳар қайси палата томонидан ўз зиммасига юклатилган вазифа ва ваколатларни адо этиш асосида уларнинг ўртасида турли қилишмовчилик ва қарама-қаршиликлар вужудга келиши ҳар томонлама табиий ва қонуний ҳолдир.

Шу фурсатдан фойдаланиб, Сенат, унинг аъзолари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга эмаслигини таъкидлаб ўтишни истардим.

Сенат — бу вакиллик органи ва унинг кўпчилик қисми халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари сифатида мамлакатимиз олий қонун чиқарувчи органида ана шу маҳаллий Кенгашларнинг ваколатли вакиллари ҳисобланади ва уларга ҳисоб беради. Ва шу сабабли ҳам сенаторларнинг ўз фаолиятида, қонунларни муҳокама этиш ва қарорлар қабул қилишда, биринчи навбатда, умумдавлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, бу қонунларни ўзлари вакили бўлган ҳудуд ва минтақалар манфаатлари нўқтани назардан кўриб чиқишлари тўлиқ қонуний асосга эгадир.

Шунинг учун ҳам Сенат томонидан бирон-бир қонун қайтарилган вазиятда тақдим этилган лойиҳаларнинг моҳияти ва маъно-мазмунини бўйича қўйи ва юқори палаталар келишув комиссиялари доирасида вужудга келадиган баҳс-мунозараларни биз демократик парламент ишининг табиий ва соғлом шакли сифатида кўришимиз даркор.

Хурматли депутат ва сенаторлар! Олий Мажлисининг ўтган даврдаги фаолиятини талабчанлик руҳида, танқидий баҳолар эканмиз, парламент ишида йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартафат этмасдан, сусткашлик ва ўзибўларчилик ҳолатларига барҳам бермасдан туриб, депутат ва сенаторлар ўз олдида турган вазифаларни самарали ҳал этишга, сайлов пайтида сайловчиларига берган юксак ваъдаларининг устидан чиқишга эриша олмамлигини яққол англаб, тушуниб олишимиз керак.

Айниқса, янгитдан сайланган парламент сифат жиҳатидан янгича сиёсий, ижтимоий-иқтисодий шароитда фаолият юритиши зарурлиги барчамизга аниқ-равшан аён бўлиши лозим.

Бугунги кунда давлат ва жамият қурилиши соҳасида мамлакатимиз олдида ўзининг миқёси ва қамровига кўра улкан вазифалар турибди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳали-бери давом этаётган оғир бир шароитда иқтисодиётимизнинг янада барқарор ривожланишини таъминлаш, уни диверсификация ва модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш борасидаги ишларни изчил давом эттиришимиз зарур.

Минтақамизда ва бутун дунёда юзага келаётган мураккаб геосиёсий шароитда бизнинг зиммасида мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, шу муқаддас заминимизда ҳўкм сураётган тинч-оқойиш ҳаётини сақлаб қолдириш ва қайта қуришни таъминлаш, уни диверсификация ва модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш борасидаги ишларни изчил давом эттиришимиз зарур.

Мана, ён кўшимиз Афғонистонда 30 йилдан буён давом этаётган қуролли моҳаронинг ҳали-бери охири кўринмаяпти. Халқимизда «Қўшнинг тинч — сен тинч» деган мақол бежиз айтилмаган. Қўшни мамлакат ҳудудида мана шундай кескинлик сақланиб турар экан, албатта, минтақамизда тинчлик-барқарорликка нисбатан таҳдид ҳам сақланиб қолаверади.

Афғонистондаги мураккаб вазият ҳал этиш бўйича Ўзбекистон энг нуфузли халқаро минбарлардан муҳим амалий ташаббусларни доимий равишда баён қилиб келмоқда.

Айниқса, НАТО/СЕАП ташкилотининг 2008 йил апрель ойида бўлиб ўтган Бухарест саммитида Ўзбекистон Президенти томонидан афғон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ечиб бўлмаслиги ҳақидаги фикр биринчи бўлиб ўртага қўйилган ва бу моҳарон сиёсий йўл билан ҳал этиш мақсадида «6+2» мулоқот гуруҳини «6+3» гуруҳига айлантириш ҳақидаги таклиф илгари сурилган эди. Бу гуруҳга Афғонистон билан қўшни бўлган давлатлар, АКШ ва Россия ҳамда НАТО ташкилотининг ваколатли вакиллари кириши назарда тутилди. Ўзбекистоннинг бу таклифи дунё сиёсий жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотгани сизларга яхши маълум, деб ўйлайман.

Афғон моҳаросини ҳал қилиш учун 30 йил давомида миллиард-миллиард доллар маблағ сарфланган. Лекин, ахвол ижобий томонга ўзгариш ўрнига, аксинча, мамлакатдаги кескинлик кучайиб бормоқда.

Авалло, маҳаллий халқ, қайси миллат ва элзатга мансублигидан қатъи назар, бир-бири билан келиши керак, бунинг учун уларга ёрдам, биринчи навбатда иқтисодий ёрдам бериш лозим.

Энг муҳими, афғон халқининг миллий урф-одатлари ва маданиятини, диний қадриятларини хурмат қилиш зарур. Бошқача айтганда, аввало халқни хурмат қилиш, кейин унга ақл ўргатиш керак.

Шу кунларда Афғонистон масаласи бўйича Лондонда бўлиб ўтадиган халқаро анжуманда ана шундай ёндашув асосида умумий фикр қарор қабул қилиниши ҳақида фикрлар билдирилмоқда. Яъни, дунёдаги кўпгина давлатлар афғон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ҳал қилиш мумкин эмаслигини ҳар томонлама англаб, амалий хулосаларга келмоқда. Бу, ўз навбатида, Бухарест саммитида Ўзбекистон илгари сурган ташаббусининг нақадар тўғри эканини яна бир бор кўрсатмоқда.

Қисқача айтганда, жафоакш афғон заминидан тезроқ тинчлик қарор топиши учун жаҳон ҳамжамияти, аввало афғон иқтисодий-молиявий, ижтимоий-гуманитар ёрдам қўрсатиши ва бу ишларнинг барчаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳнамолигида амалга оширилиши зарур.

Бугунги кунда дунёдаги кўпгина давлатлар томонидан Афғонистонга ана шундай ёрдам кўрсатилмоқда. Албатта, бу мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилган аввало унга қўшни бўлган давлатлар манфаатдордир.

Ўзбекистон хозирги вақтда яқин

қўшни давлат сифатида Афғонистонга катта ёрдам бериш. Жумладан, 2010 йилда Ўзбекистон бу мамлакатга етказиб бераётган электр энергияси миқдори ўтган йилларга нисбатан 6 баробарга оширилди.

Шу кунларда Ўзбекистоннинг қурувчи ва мутахассислари томонидан «Термиз — Ҳайратон — Мозори Шариф» темир йўлини қуриш ишлари бошланмоқда ва ишониманки, у йил охирига қадар якунига етказилади.

Хулоса қилиб айтганда, парламентимизнинг бугунги кунда минтақамизда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш масаласида маъсулиятни катта. Бунинг ҳар қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак.

Азиз дўстлар!

Ўқорида зикр этилган масалаларнинг барчаси парламентимиздан юксак ташаббускорликни, қонун ижодкорлиги фаолияти самарадорлигини ошириш йўлида мунтазам изланишни, ҳар бир депутат ва сиёсий партиядан эса авваламбор улар сайлов даврида ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажаришни талаб этади.

Қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базадаги камчилик ва нуқсонларга имкон қадар тезроқ барҳам бериш, ҳуқуқни қўллаш амалиётида гоят жиддий ўзгаришларни жорий этиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органларининг фаолиятида фақат ва фақат қонунга риоя этилишини таъминлаш билан боғлиқ ишларни такомиллаштириш даркор.

Бу вазифалар биз барпо этаётган ҳуқуқий давлатни шакллантиришда нақадар муҳим аҳамиятга эга экани ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Айни пайтда, шуни ҳам ўзимизга яққол тасаввур қилишимиз керакики, ижтимоий-сиёсий соҳалардаги бошқа кўплаб вазифаларга ижобий ечим топиш энг муҳим бир вазифани муваффақиятли ҳал этишни талаб қилади.

Бу вазифа авваламбор демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан жадал ва самарали илгарилаб боришдан иборатдир.

Ўйлайманки, Қонунчилик палатасида ҳам, Сенатда ҳам, олдимизда турган ишларнинг амалий дастурини тайёрлаш жараёнида ана шу вазифаларнинг барчаси ҳисобга олинади ва охиригача пухта ишлаб чиқилади.

Менинг чуқур ишончим бўйича, энг муҳим, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган қуйидаги масалалар доимий эътиборимиз марказида туриш даркор.

**Биринчи. Мана шу юксак минбардан туриб қатъий таъкидлашни истардим: агарки, биз иқтисодий ва социал соҳани ислох этиш жараёнини ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини мунтазам янгилаб бориш жараёни билан ўзаро аниқ ва чуқур, узвий боғлиқ ҳолда амалга оширишни таъминлаш эмас, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида белгилаб олган юксак марраларимизга эриша олмаимиз.**

Шу борада Конституциямиз муҳрлаб қўйган давлат ҳокимияти тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига риоя қилган ҳолда, парламент ҳокимиятининг амалий ролини кучайтириш масалалари эътиборимиз марказида туриши керак.

Бу ўта муҳим вазифаларни амалга оширишда кўппартиявийлик тизимининг ривожланишига, сиёсий партиялар фаоллигининг кескин ошишига, улар ўртасида рақобат асосидаги курашнинг кучайишига шароит туғдириб бериш алоҳида ўрин тутди.

Биз ўз олдимизга қўяётган бу вазифанинг туб моҳияти шундаки, у партиялар ўртасидаги сайловолди кураши, Олий Мажлисининг янги таркибин шакллантириш пайтида бўлиб ўтган гоё ва дастурлар қураши парламентнинг қўндалик фаолиятида ҳам давом этишини ва янада чуқурлаштириш боришини назарда тутди.

(Давоми 3-бетда.)

# МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШ — УСТУВОР МАҚСАДИМИЗДИР

## Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси

(Давоми. Бошланғичи 1-2-бетларда.)

Айнан парламент фаолиятида, таъбир жоиз бўлса, гоё ва дастурлар беллашуви доимий тус олиши, ҳар қайси партия ўз олдига қўйган мақсад-муддаоларига ана шундай кураш орқали эришиши лозим.

Ишончим комилки, Қонунчилик палатасидаги турли сиёсий фракциялар ўртасидаги рақобат қанчалек кескин ва кучли бўлса, жамиятимизнинг муайян сиёсий кучлари ва ижтимоий қатламлари манфаатларини ўзида ифода этадиган ҳар қайси партиянинг ғоялари, дастурий вазифалари ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилишининг кафолати ҳам шунчалек мустақкам бўлади.

Буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, қабул қилинадиган қонунларнинг сифатини оширишга, парламент ролининг, унинг мамлакатимизда юз бераётган жараёнларга таъсирининг кучайишига ёрдам беради.

Партиялар ўртасидаги баҳс-мунозаралар жиддий, профессионал ва амалий негизда олиб борилаётган даркор. Айнан шунинг учун ҳам сиёсий партиялар ўз электоратини ўйлантираётган социал-иқтисодий муаммоларни янада чуқурроқ ўрганишга ва уларни ҳал этиш бўйича зарур чораларни кўришга бутун диққат-эътиборини қаратиши керак.

Бу ҳақда гапирганда, «мамлакат раҳбариятининг ислохотларни амалга ошириш борасидаги стратегик йўлини сиёсий қўллаб-қувватлаш» деган умумий гаплардан амалий фаолиятга ўтиш, чуқур ўйланган, шу жумладан, муқобил, рақобатдош лойиҳалар ва ҳар қайси партия ўқи ҳаракатининг аниқ мақсадли вазифаларини ўзида мужассам этадиган дастурларни тақдим этган ҳолда, фаол иш олиб бориш даври келганини таъкидлаш лозим.

Бунда жойларда ислохотларнинг ижтимоий самарасини оширишга ҳалақат бераётган жиддий камчилик ва нуқсонларни аниқлаш, уларни очик, ошқора ва амалий руҳда муҳокама қилиш, ўз хизмат жойида зиммасига юкланган мажбуриятларни удалай олмаётган давлат органлари, ҳўжалик бошқаруви, назорат ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш тизимларининг раҳбарларини асосли танқид қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Албатта, электорат билан иш олиб боришнинг замонавий усулларидан, умумэтироф этилган сиёсий технологиялардан кенг фойдаланиш, партиявий нашрларни партиялараро қизгин баҳс-муноза-

ралар минбарига айлантириш зарурлигини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

**Парламентимиз ва маҳаллий вакиллик органлари — Кенгашлар олдида турган иккинчи гоёт муҳим вазифа — бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент назоратини, депутатлик назоратини ўрнатишдан иборатдир.**

Шуни очик тан олиш керак, Қонунчилик палатаси ва Сенатда, афсуски, бу борадаги ишлар ўта қониксарсиз йўлга қўйилган. Қонунчилик палатаси ва Сенатда қонунлар ижроси, тегишли тармоқларда устувор давлат дастурларининг бажарилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини, унинг ўринбосарларини, вазирлик ва қўмиталар, ижро этувчи ташкилотлар раҳбарларининг ахборот ва ҳисоботлари камдан-кам эшитилади ва муҳокама қилинади.

Ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, парламентда бундай ҳисоботларни эшитиш кўпроқ умумий, яъни танишув ҳолатига эга бўлиб, кўрилаётган масала бўйича муайян қўмита ёки комиссиянинг позицияси аниқ белгилаб олинмаган, ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилиб тавсия этилган бирон-бир дастур ва ҳужжат қабул қилинмаган.

Келгусида қонун чиқарувчи ҳокимият назорат ваколатларини амалга оширишнинг қонунида кўзда тутилган ҳуқуқий норма ва механизмларидан марказда ва жойларда кенг фойдаланиш учун барча зарур чораларни кўриш керак.

Давлат тузилмалари раҳбарларининг уларга ишониб топширилган тармоқларда қонун ҳужжатларини ижро этиш ҳолати бўйича ҳисоботларини эшитиб бориш парламент фаолиятининг қундалик ишига айланиши даркор.

Шу билан бирга, ижро ҳокимияти раҳбарлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларининг улар бевосита масъул бўлган соҳаларда қонунларнинг қандай бажарилаётгани бўйича ҳисоботларини тинглаб бориш амалиётини кенгайтириш зарур.

Хусусан, парламент назоратини амалга ошириш жараёнида давлат тузилмаларининг иқтисодиёт соҳасига асосли аралашувини камайтириш чораларига алоҳида аҳамият қаратиш керак.

2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини, унда кўзда тутилган ижти-

мой-иқтисодий соҳанинг изчил ривожланишини, мамлакатда барқарорлиқни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор бериш зарур.

Парламент назоратининг парламент сўрови, парламентда ҳисоботни эшитиш ва парламент фаолиятининг қонунда кўзда тутилган бошқа шаклларида кенг фойдаланиш лозим.

Парламент сўровида кўтарилган масалалар бўйича асосланган изоҳ ва ҳар томонлама тушунтириш бериш давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари мансабдор шахсларининг бевосита вазифаси ҳисобланади.

Бу вазифанинг бажарилиши бўйича жавобгарлик барча бўғиндаги давлат ҳокимияти идораларининг раҳбарлари ва прокуратура зиммасига юклатилиши керак.

Ижро этувчи ҳокимият устидан парламент назоратини кучайтириш вазифасини муваффақиятли ҳал этиш кўп жиҳатдан оммавий ахборот воситалари, кенг жамоатчиликнинг бу жараёндаги фаол иштирокига боғлиқдир.

Бу борада партияларнинг матбуот нашрлари олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Лекин, афсуски, бундай нашрлар ҳали-бери заиф бўлиб, содда қилиб айтганда, «тиш-тирноқсиз» бўлиб қолаётганини қайд этиш лозим.

**Парламентнинг мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган демократик янгиланишлар, либерал ислохотлар тарғиботчисига айланишига эришиш энг асосий вазифа бўлмоқчи зарур.**

Мазмун-моҳиятига кўра, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни, биз танлаган давлат ва жамият қурилиши моделини татбиқ этиш жараёнида фуқароларнинг мамлакат бошқарувидаги ролинини ошириб боришни асосий ўринга қўядиган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» дастурини амалга ошириш бўйича ишларни янада фаоллаштириш масаласини бугун ҳаётнинг ўзи кун тартибига тобора қатъий қилиб қўймоқда.

Бу амалда фуқаролик жамияти институтларининг бутун тизимини ривожлантириш, унинг мамлакатини, маъмурий-ҳудудий тузилмаларини бошқариш жараёнига уйғун равишда интеграциялашувини аниқлаш керак.

Сиёсий партияларнинг марказда ва жойларда ижро этувчи ҳокимият идораларини шакллантириш жараёнига фаол таъсирини таъминлаш учун барча ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлардан тўлақонли фойдала-

ниш даркор.

Шу мақсадда Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партиялар гуруҳлари фаолиятини жонлантириш, барча бўғинда ижро этувчи тузилмаларнинг минтақалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётига доир амалий вазифаларни ҳал этиш ишига партияларнинг таъсирини ошириш даркор.

Фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини янада ривожлантириш қонунчилик фаолиятининг муҳим йўналиши бўлиши зарур, деб ҳисоблайман.

Токи бу институт ва ташкилотлар қарорлар қабул қилиш, ўзлари мансуб бўлган ижтимоий қатлам ва тузилмаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тизимида муносиб ўрин эгаллаш олинсин.

**Шу муносабат билан бугунги кунда экологик йўналишдаги 100 дан ортик нодавлат нотижорат ташкилотни бирлаштирган Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар олдида катта ва масъулиятли вазифалар турибди.**

Мазкур ҳаракатдан сайланган депутатлар атроф муҳитини муҳофаза қилиш соҳасига оид қонунчиликни янада ривожлантиришга, марказда ва жойларда давлат ҳокимияти идоралари, шунингдек, турли ижтимоий ва бошқа тузилмаларнинг бу соҳада шу пайтга қадар қабул қилинган ҳужжатларни сўзсиз бажариш бўйича масъулиятини ошириш юзасидан тизимли ишларни ташкил қилишга кўмаклашувлари лозим.

Барчамиз бир оддий ҳақиқатни қатъий ва аниқ англаб олишимиз керак — бундан бўён Ўзбекистон Экологик ҳаракати янги сифат босқичга кўтарилади, юксак депутатлик минбаридан туриб атроф муҳитини муҳофаза қилиш масалаларини ўртага қўйиш ва назорат қилиш, инсонни ва мамлакат аҳолисини экологийнинг ҳавфи ҳамда тажовузкор ўзгаришларидан ҳимоя қилиш учун улкан имкониятларни қўлга киритади.

**Фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ва давлат қурилиши тизимидаги ҳуқуқ ҳамда ваколатларини кенгайтиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш масаласи устувор йўналишга айланиши зарур.**

Бугунги кунда жойларда фуқароларнинг энг долзарб муаммоларини ўз вақтида ва муваффақиятли ҳал этиш, уларнинг манфаатларини

ҳимоя қилишда маҳалла тизимининг таъсири ва аҳамияти қанчалек ортиб бораётганини барчамиз яхши биламиз.

Маҳаллалар аҳолимиз, айниқса, ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ масалаларни ечиш, ижтимоий соҳанинг самарали фаолият юритилишини таъминлаш, жойларда жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини сақлаш борасидаги ҳисса тобора кучайиб бормоқда.

Шу муносабат билан маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, унинг самарали фаолият юритиш механизми ва ваколатларини кенгайтириш бундан кейин ҳам бизнинг устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Маҳаллани аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш йўлида бошлаган ижобий ишларимизни изчил давом эттиришимиз ва янги босқичга кўтаришимиз даркор.

Бошқарув идоралари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда маҳалланинг вазифаларини кенгайтириб бориш, давлат ижтимоий дастурларининг ҳаётга татбиқ этилиши бўйича жойларда амалга оширилаётган ишлардан жамоатчиликни кенг ҳабардор қилиш мақсадида давлат органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари билан мустақкам ҳамкорлигини таъминлаш бундан бўён ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлиши керак.

Маҳалланинг фуқароларнинг энг долзарб муаммоларини ҳал этиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти ортиб бораётганини инобатга олган ҳолда, оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчиси этиб энг муносиб номзодлар сайланишини таъминлайдиган фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллар) ва уларнинг маслаҳатчиларини сайлаш тизимини янада такомиллаштириш талаб этилмоқда.

**Бугун ҳаётнинг ўзи олдимизга фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролинини янада мустақкамлаш вазифасини қатъий қилиб қўймоқда. Оммавий ахборот воситаларини янада эркинлаштириш, нодавлат матбуот нашрлари, радио, телевидение фаолиятини жонлантириш, уларнинг Интернет глобал тармоғига кириш имкониятларини кенгайтириш олиб борилаётган ислохотлар сиёсатининг очиклиги ва ошқоралигини таъминлашга, кучли фуқаролик жа-**

**миятининг изчил шаклланишига мадад бериш даркор.**

Миллий матбуотимизнинг сифатини, маҳорат ва таъсирчанлигини ошириш, уни ривожланган давлатларнинг оммавий ахборот воситалари эришган юксак талаб ва меъзолар даражасига кўтариш учун имкон берадиган шарт-шароитларни яратиш мақсадида оммавий ахборот воситалари соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштиришни таъминлаш зарур.

Оммавий ахборот воситаларига мамлакатимизда амалга оширилаётган ички ва ташқи сиёсатни, юртимизда ва хорижда содир бўлаётган воқеаларни фикрлар қилма-қилганини ҳисобга олган ҳолда янада фаолроқ ёритиш учун қўшимча шарт-шароитлар туғдириб бериш лозим.

Нодавлат оммавий ахборот воситаларининг тобора кенгайиб бораётган тармоғи фаолиятининг, муаллифлик ҳуқуқи ва интеллектуал мулк ҳимоясининг, шунингдек, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий этишнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштиришни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Бу борада оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини янада мустақкамлаш, соҳа ходимларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий механизмларни яратиш масалалари долзарб ўрин эгаллайди.

Соҳа ходимларининг меҳнатини муносиб баҳолаш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш газета ва журналлар таҳрирларининг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлаш билан бирга, уларнинг масъулиятини ҳам оширишни кўзда тутати.

Қадрли ватандошлар! Бўлиб ўтган сайловларда халқимиз аввало мамлакатимизда тинчлик ва барқарорлиқни мустақкамлаш, сиёсий-иқтимоий ҳаётимизни модернизация қилиш ва демократлаштириш, бозор муносабатларини чуқурлаштириш, тинчликсевар ташқи сиёсат олиб бориш учун овоз берди.

Бугунги кунда эл-юртимиз ўзи сайлаган депутатлар ва сенаторларга, ислохотлар тақдирини унун масъул бўлган барча-барча инсонларга катта умид ва ишонч билан қарамоқда. Бундай юксак ишончнинг оқлаш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздор.

Ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, депутатлик ва сенаторлик фаолиятинингизда куч-қувват ва омад, хонадонларингизга бахту саодат ва фаровонлик тилайман.

### Муносабат

## МУНОЗАРАЛАР МАСЪУЛЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш — устувор мақсадимиздир» мавзусида қилган маърузаларини тинглаб ўтириб, кўз олдимда шундай бир манзаралар жонланди: партияларнинг сайловолди кураши, Олий Мажлисининг янги таркиби, гоё ва дастурлар баҳси, ҳар қайси партиянинг ўз олдига қўйган мақсад-муддаоси, уларнинг парламентдаги фракциялари қундалик фаолияти ва ҳақозо...

Буларнинг ҳаммасини хаёлан тасаввур қилар эканман, уларнинг мамлакатимизда юз бераётган жараёнларга, келгусида қабул қилинадиган қонунлар сифатининг ошишига нечоғли таъсир этиши ҳақида ҳам мулоҳаза юритдим. Ва беихтиёр давлатимиз раҳбарининг ўз маърузаларида айтган мана бу сўзларини яна бир бор ўқиб чикдим: «...Қонунчилик палатасидаги турли сиёсий фракциялар ўртасидаги рақобат қанчалек кескин ва кучли бўлса, жамиятимизнинг муайян сиёсий кучлари ва ижтимоий қатламлари манфаатларини ўзида ифода этадиган ҳар қайси партиянинг ғоялари, дастурий вазифалари ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилишининг кафолати ҳам шунчалек мустақкам бўлади».

Демакки, «мамлакатимиз раҳбарияти олиб бораётган сиёсатни яқдил қўллаб-қувватлаймиз» деган умумий гаплар билан эмас, балки, муқобил ғоялар, рақобатдош лойиҳалар, мақсадли вазифалар, мукаммал дастурлар билан фаолият кўрсатиш лозим.

(Давоми 4-бетда.)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ «БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда.)

замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари ҳамда Интернет тизимини янада ривожлантириш, уларни ҳар бир оила ҳаётига жорий этиш ва кенг ўзлаштириш;

ёш авлодни жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, болалар спортини ривожлантириш соҳасида, ёшларни, айниқса, қишлоқ қизларини спорт билан мунтазам шуғуллашишга кенг жалб этиш, янги спорт мажмуаларини, стадионлар ва иншоотларни қуриш, уларни замонавий спорт анжуманлари ва жиҳозлари билан таъминлаш, юқори малакали устоз ва мураббийлар билан мустақкамлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни изчил қўйиштириш;

иқтисодиётни таркибий ўзгаришнинг муҳим йўналиши, аҳоли ва ўрта синф мулкдорлари даромадларини шакллантириш асоси бўлган кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш янада рағбатлантириш, бу соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, ёшлар, авваломбор, касб-хўна қоллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини, айниқса, қишлоқ жойларда тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун шарт-шароитларни яратиш; илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий

фаолиятга кенг жалб этиш, уларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши учун шарт-шароитларни яратиш; ёш оилаларга гамҳўрлик қилиш ишларини қўйиштириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш, жисмонан ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасида жамиятининг муҳим бўғини бўлган соғлом ва мустақкам оилани шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ичкилик, боқил ва гийёҳвандлик иллатларидан, бошқа турли ҳалокатли таҳдидлар ҳамда биз учун ёт бўлган диний ва экстремистик таъсирлардан, тубан «оммавий маданият» ҳуружларидан ҳимоя қилишга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 9 декабрдаги 3329-фармоишига биноан тузилган Республика комиссиясига «Баркамол авлод йили» Давлат дастури бажарилишини ташкил этиш ва унинг ижроси мониторингини амалга ошириш вазифаси юклянсин.

3. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси (Ш.М.Мирзиёев);

икки ҳафта муддатда вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, жамоат ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларини томонидан ҳар бир вазирлик, идора, минтақа, шаҳар, туман ва аҳоли пункти бўйича ҳудудлар ҳамда тармоқларга оид «Баркамол авлод йили» дастурлари ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишини таъминласин;

мазкур Дастурнинг бўлимлари ва бандларини давлат ҳамда ҳўжалик бошқаруви республика органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар даражасида тўлиқ ва ўз вақтида бажариш ишларини мувофиқлаштирсин, Дастурга киритилган тадбирларнинг амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига ҳар чорак якуни бўйича «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида тасдиқланган тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида ахборот тақдим этсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туманлар (шаҳарлар)да Қора-

қалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва тегишли ҳудудлар ҳокимлари раҳбарлигида Дастурни амалга ошириш бўйича тегишли комиссиялар ташкил этилишини таъминласин, уларнинг зиммасига Дастурда кўзда тутилган тадбирларни сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситалари: аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг мақсад ва вазифаларини кенг тушуштириш;

Дастурнинг амалга оширилиши тўғрисида мунтазам ахборот бериб бориш, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, жамоат ва ноҳукумат ташкилотларнинг Дастурда кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш бўйича қўйган амалий ҳиссасини ёритишни таъминласин.

6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 2010 йил 27 январь

# МУНОЗАРАЛАР МАСЪУЛЛИККА ЧОРЛАЙДИ

(Давоми. Бошланishi 3-бетда.)

Шунда, жойларда ислохотларнинг ижтимоий самараси ортиб, унга ҳалақат бераётган камчиликлар, нуқсонлар кўзга яққол ташланади ва уларни бартараф этиш чоралари кўрилади. Шунда, кўриладиган чоралар ва ўтказилган тадбирлар очиқ, ошқора ва амалий рўҳда ижро топади.

Шунда, партиянинг ўз электорати билан иш олиб боришнинг замонавий усуллари, барчага мақбул сиёсий технологиялар юзга келади.

Шунда, сиёсий нашрлар ўз партияларининг гоёси, позицияси, мақсад-муддаосидан келиб чиқиб, рақобатдош партиялар билан қизгин баҳс-мунозара мин-барига айланади.

Шунда, парламент ва маҳаллий вакиллик органлари — Кенгашлар қабул қилинган қонунларнинг ижро этилуви ҳоқимият — ҳукумат томонидан — марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан — ҳам парламент, ҳам депутатлик назорати ўрнатиш имкони туғилади.

Ва ниҳоят, шунда партиялар ўз электоратини ўйлантриб келлаётган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий муаммолар ечимини билан чуқурроқ, муфассалроқ шуғулланишга киришадилар. Мулоҳаза, мушоҳада, мунозаралар ҳам жиддий, профессионал ва амалий тусда бўлади.

Юртбошимиз маърузаларида айни шу жиҳатларга жиддий ургу берилгани бежиз эмас. Чунки Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасининг ўтган беш йиллик фаолиятида қонунда тутилган парламент ва депутатлик назорати, ҳуқуқни қўллаш амалиёти сингари иш шаклларида сўз фойдаланилгани бор гап. Масалан, маърузада таъкидланганидек, бу давр ичида инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, кимё саноати корхоналари қурилишини жадаллаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологиясини тақомиллаштириш сингари саноатини масалалар бўйича парламент сўрови амалга оширилгани етарли фаолият деб бўладиюки?

Эки Қонунчилик палатаси ўз фаолиятининг ниҳоят тўртинчи

йили (2008 йил, май ойи)дагина «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг сайлов округидаги фаолиятини ташкил этиш тартиби»ни ишлаб чиққани анчайин қўзилиб кетган юмуш эмас-ми?

Шунинг учун ҳамки, Президентимиз депутатларнинг ўз сайлов округларидаги фаолиятини кўнгли тўлмай, улар шунчаки номингига ўтказилган учрашувлардан, фақат саволларга жавоблар беришдангина иборат тадбирлар бўлиб қолганини ҳақли тарзда танқид остига олдилар. Зеро, кўз юмиб бўлмайди: баъзан депутатларимиз жойларда қонунлар қандай ишлаётгани билан қизиқиб ҳам кўрмади, ҳужалик юришти амалиёти бугунги кунда қандай қонунларга зарурият сезаётганини тасаввур ҳам қилишмади...

Юртбошимизнинг қуйинганича бор: депутатлар корпусининг суҳбатчилиги билан ҳаётини зарур бўлган қонунлар киритиш ташаббуси етарлича «парвоз» олмади. «Кейинги беш йил мобайнида, — дейилди маърузада, — Қонунчилик палатасига тақдим этилган 297 та қонун лойиҳасидан атиги 44 таси

депутатлик ташаббуси билан киритилган.

Айни пайтда, 42 та қонун лойиҳаси бевосита Ўзбекистон Республикаси Президентини томонидан тақдим этилган, 160 тадан зиёд қонун лойиҳаси эса мамлакатимиз ҳукумати томонидан киритилган бўлиб, уларнинг аксарияти қисми Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларининг ижросини таъминлаш муносабати билан тақдим этилган.

Булар нимани кўрсатади ва нималарни тақозо этади?

Шуни кўрсатадики, Қонунчилик палатаси қонун ижодкорлиги ишлари юзасидан ўз истиқболли дастурига эга бўлмади. Натияжада, қабул қилинган қонунлар аниқ бир тизимда мавжуд бўлмасдан, кўпинча қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектлар томонидан киритилди. Бу ҳол эндиликда палатанинг узоқ истиқболга мўлжалланган қонун ижодкорлиги (мамлакатда амалга оширилаётган социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотлар жараёни талаблари асосидаги) дастурга эга бўлишини тақозо

этомкада.

Демак, шубҳасиз, бу жараёнларда сиёсий партияларнинг қуйи палатадаги фракциялари бундан бўён янада ташаббускор, изланувчан ва интилувчан, талабчан бўлмоғи жоиз. Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси, қолаверса, партия ихроия қўмитаси аъзолари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлиси тугаши биланқў ўтказган йиғилишларда ана шулар ҳақида гап борди. Зеро, эл-юрт бугун ўзи сайлаган депутатларга жойлардаги мавжуд муаммолар ечимида жуда катта умид, жуда катта ишонч билан қараб турибди.

...Қўшма мажлисда ўтириб, кўз олдимдан ўтган ушбу манзараларнинг қозғоғи туширар эканман, депутатлар корпуси, ундаги сиёсий партиялар фракцияси ва том маънодаги партиялар — ёппасига ислохотлар тақдирини учун масъул эканлигини янада тўлароқ, чуқурроқ ҳис этдим. Ҳаётда, мақсадлар, позициялар борасидаги баҳс-мунозараларимиз ҳам айни шу масъулликка хизмат қилиши лозимлигини тейранроқ аглайдим.

Худоёр МАМАТОВ.

## SPORT, СПОРТ, SPORT

### Ҳамюртларимиз кучлилар сафида

Хиндистоннинг Дехли шаҳрида ташкил этилган «Parsvath International» халқаро турнири ниҳоясига етди. Мусобақада иштирок этган шахматчиларимиз — Саидали Йўлдошев, Марат Жумаев ва Нафиса Мўминова юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, турнирда кучлилар сафидан жой олди.



Халқаро гроссмейстер Саидали Йўлдошев ўн бир имкониятдан 8,5 очко жамғаришга муваффақ бўлди. Хиндистонлик Шям Шетье, Притам Сингх, Кришнан Саравана, Мишра Сваам, Махеш Варан, Таниа Сачдев ва Аргядип Дас ҳамда россиялик Николай Толстухин мот қилиб, мезбон шахматчи Рой Чоудри билан дуранг ўйнаган ҳамюртимиз турнир совриндорларидан ярим очкога ортда қолди. Яна бир гроссмейстеримиз Марат Жумаевдан эса сўнгги икки партиядан омад юз ўғирди. У Эҳсон Магами (Эрон) ва Павел Кошур (Қозғистон)га ютқазиб қўйди. Натияжада шахматчимиз 8 очко билан кифояланди. Шунингдек, халқаро тоифадаги спорт устаси Насиба Мўминова ҳам ўн бир имкониятдан 8 очко тўплагига муваффақ бўлди.

Яқин кунларда Хиндистонда яна бир нуфузли халқаро турнир — «Chennai open-2010» беллашувлари бошланади. Ҳар учала шахматчимиз ана шу мусобақада иштирок этади.

### «Пахтакор»да хорижлик мутахассис иш бошлайди

Тошкентнинг «Пахтакор» клуби раҳбарияти англиялик мутахассис Жеймс Шоулдерни клубнинг футбол академиясига ишга таклиф этди. Хорижлик таниқли мутахассис футбол академиясининг директори сифатида иш бошлайди.



Маълумки, «Пахтакор» футбол академияси бир неча йиллардан бўён қатор мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда. Ўтган мавсумда Тошкент шаҳар биринчилигида умумий ҳисобда биринчи ўрин забт этилгани сўзими тасдиқлади. Лекин клуб раҳбарияти шу билан кифояланиб қолмоқчи эмас. Клуб вице-президенти Самвел Бабаёяннинг таъкидлашича, англиялик мутахассис футбол академиясини фаолиятини янада яхшилаш учун таклиф қилинган.

Эслатиб ўтамиз, Жеймс Шоулдер Англиянинг «Сандерленд» жамоасида фаолият олиб борган. У 1 февралдан эътиборан расман ўз вазифасини бажаришга киришади.

### Кличко 20 мартда рингга чиқади

Украиналик оғир вазни боксчи Владимир Кличко шу йилнинг 20 март кунини рингга чиқади. Унинг навбатдаги рақиби АҚШлик «чарм қўлқоп» устаси Эдди Чемберс бўлади. Бу ҳақда «Associated Press» агентлиги хабар бермоқда.



Кличко ва Чемберс ўртасида жанг ўтказиш тўғрисидаги гап-сўзлар ўтган йилнинг бошидаёқ тарқалган. Ниҳоят, икки томонлама мунозаралардан сўнг уни ўтказиш ҳақида келишувга эришилди. Шундай қилиб, боксчилар ўртасидаги беллашув Германиянинг Дюссельдорф шаҳрида жойлашган «Esprit Arena» стадионида ўтказилади. Ушбу спорт иншооти ўз бағрига 51 минг томошабинни сиғдира олади.

Владимир Кличко профессионал бокснинг IBF ва WBO йўналишлари бўйича жаҳон чемпиони ҳисобланади. У 56 мартаба рингга қўтарилган, шундан 53 тасида рақиблирини мағлуб этган (47 та нокаут), 27 ёшли Эдди Чемберс эса профессионал фаолияти давомида 36 та жанг ўтказиб, фақат бир мартагина мағлубиятга учраган.

### «Реал» Гаитига ёрдам бермоқчи

Испаниянинг «Реал» клуби президенти Флорентино Переснинг маълум қилишича, клуб қошида ташкил этилган жамғарма Гаитига зилзила оқибатида бутунлай вайрон бўлган мактаблардан бирини қайта тиклаш учун сарможа киради.



Мадридликлар, шунингдек, зилзиладан зарар кўрган оролда футбол мактабини ишга туширишни режалаштиришган. Қолаверса, клуб гаитиликларни озиқ-овқат ва тиббий ёрдам билан таъминлайдиган ижтимоий лойиҳани ташкиллаштириш ниҳоятда.

Камол АШЛАЕРОВ тайёрлади.

### «БАХТ УЙИ»ГА ПОЙДЕВОР

Термиз шаҳрининг 5-даҳасида вилоят ҳокими ташаббуси билан «Бахт уйи» қурилишига пойдевор қўйилди.

Қошона қурилишини вилоят ҳокимлиги, тадбиркорлар, ишбилармонлар, корхона ва ташкилотлар ҳамда республика Адлия вазирлиги ҳузуридаги «Адлия ва суд органларини ривожлантириш» жамғармаси молиялаштирди. Тикланиш ишларини вилоятдаги «Сантехмонтаж» хусусий қурилиш корхонаси қурувчилари ўз зиммаларига олишган. Уларга Термиз Давлат университетини ва шаҳардаги коллежлар талабалари ёрдам беришади.

Шаҳарда яна бир иншоот — «Баркамол авлод — 2011» спорт мусобақасининг яқиний босқичи ўтадиган ўн минг ўринли янги стадион қурилиши ҳам қизгин бормоқда. Уйингоҳ инвестиция дастури асосида ажратилган маблағ ва юридик ҳамда жисмоний шахслар ҳокимлиги маблағи ҳисобига бунёд этиляпти.

Ҳар икки «Баркамол авлод йили» иншоотлари Мустақилликнинг 19 йиллиги тантаналари арафасида фойдаланишга топширилади.

Турсун МАҲМАДАЛИЕВ,  
«Adolat» муҳбири.

### Йўллар йўлларга ТУТАШМОҚДА

«Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси тизимида ўтган йили 291 миллиард сўмлик ҳажмда иш бажарилиб, 925 километр узунликдаги автомобиль йўли фойдаланишга топширилди.

Жумладан, «Тошкент — Термиз» йўлининг 104-километрдан бошланган 24 километр узунликдаги (кенглиги 27 метр) «Гулистон — Гагарин» йўли ҳам жаҳон андозалари даражасида бунёд этилиб, кунига 20 минггача автоуловлар ҳаракати йўлга қўйилди.

Айни кунларда компания жамоалари «Гулистон — Оҳангарон» автомагистралининг 88 километр масофага эга қисмида ҳам катта ҳажмда реконструкция ва қурилиш ишлари олиб боришяпти.

Ўз муҳбиримиз.



2010 йил Баркамол авлод йили



### 7,2 МИНГ КИЛОМЕТРЛИК ДЕВОР

Дунё мўъжизаларидан бири — Буюк Хитой девори илгари аниқланганидан кўра 500 километрга узунроқ экан. Олимлар Шинжон-Уйғур вилоятида олиб борган қазилмалари вақтида деворнинг бузилиб кетган қисмини топиб, шундай хулоса чиқаришди. Уларнинг таъкидлашича, Буюк Хитой деворининг умумий узунлиги 7,2 минг километр бўлган.

### АВТОМОБИЛДА — «ҚОРА ҚУТИ»

Самолётларда «қора қути» борлиги кўпчиликка маълум. Швейцарияликлар автомобилга ҳам «қора қути» ўрнатишни режалаштирмоқда.

Сўнгги пайтларда Швейцария кўчаларида юз бераётган тизиллик боис тез-тез автоҳалокатлар содир бўлмоқда. Бундай пайтда ҳақиқий айбдорни аниқлаш мушкул. Агар автомобилга «қора

қути» жойлаштирилса, у ҳайдовчи машинани қандай бошқариётганини ёзиб боради. Демак, автотўқнашув ё бирор-бир можароли вазият юзга чиқса, «қора қути» ким ҳақлигини аниқлаб беради.

### ЎЗИГА ХОС АРИЗА

Детроиклик 4 фарзанднинг отаси Жон Микс ниҳоят ўз ишонасига қайта қабул қилинди. Ишга тикланса нима бўпти, дейишингиз мумкин. Бироқ гап бошқа ёқда.

Жон бир ой давомида қурилиш компаниясига «Ишга қабул қилинг, илтимос» деб роппа-роса 2500 та ариза ёзди. Аризаси ҳам ўзига хос бўлди, яъни ҳар ариза ёзганда «илтимос» сўзини биттадан қўпайтириб бораверди. Шундай қилиб бу сўзлар юз саҳифага етди.

Компания Микснинг ўрнига бошқа одамни ишга қабул қилиб қўйганди. Шунинг учун бўш ўрин йўқ эди. Аммо раҳбарият

Микснинг аризаларини инобатга олиб, янги иш ўрнини жорий этди, яъни почта жунаталарини сараловчи қилиб ишга олди.

### Тўрт оёқли товук ва ҲОЗ

Норвегиялик фермер Норберт Шмитнинг паррандалари орасида тўрт оёқли ҳам бор. Лекин икки оёқлида юради. Қолган икки оёқли йиғиб олади.

Литванинг Дабкина қишлоғида яшовчи Янин Круменнинг ҳўжалигида ҳам тўрт оёқли ғоз «туғилди». Аммо у юраолмади. Оёқнинг узунлиги ҳар хил бўлганлиги учун бу ногирон ғозчани фақат сувда боқишга тўғри келди.

### КИМОРБОЗ ОМАДЛИМИ ЁКИ ОФИЦАНТИ?

Канаданинг Ванкувер шаҳрида яшовчи 55 ёшли киморбоз ресторанда оқватланаётгани, у ерда қизгин давом этаётган

лотереяга ўхшаш ўйинда ўз бахтини синанб кўрмоқчи бўлди ва билет рақамларини ўша ерда хизмат қилаётган официант Эрин Броуэлл билан ҳамкорликда ёзди. Эрин ҳеч ўйлаб ўтирмай ўз туғилган йилини айтиб ёздирди. Буни қарангки, ўша 1969 рақамига 50 000 Канада доллари ютуғи чиқди. Лекин киморбоз қочиб кетгани йўқ, мардлик қилди. Ютуқни тенг иккига бўлди. Икки фарзандли официант бу пулга машина сотиб олди.

### ҚОРА ЧОЙ ХАМ ШИФОБАХШ

Ҳар кун истеъмол қиладиган кўк чойнинг шифобахшлигини яхши биламиз. Лекин унинг «дўсти» бўлмиш қора чой ҳам шифобахш экан. Халқаро илм-фан ассоциацияси мутахассисларининг Лондонда чоп этилган хулосаларига кўра, қора чой ўз истеъмолчиларида қон босими ошишининг ва миокард инфаркт хавфининг олдини олар экан. Шунинг олоҳида таъкидлаш кераки, қора чойнинг бу хусусиятлари илк бор илмий асосга эга бўлмоқда.

Муродулла ҒАҒУРОВ тайёрлади.

ADOLAT

ИЖТМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН

«АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ

adolat\_sdp@doda.uz

Бош муҳаррир  
Худоёр МАМАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган

Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибият — 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими — 236-57-14 ISSN 2091-5217

Мавзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

### Таҳрир ҳайъати

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,  
Исмомил САИФНАЗАРОВ,  
Алишер МЎМИНОВ,  
Жовлатхон ИНОҒОНОВ,  
Зухра БОТИРОВА,  
Иқбол МИРЗО,  
Муҳаммад АЛИ,

Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ,  
Муҳаррамхон АЗИМОВА,  
Равшан ҲАЙДАРОВ,  
Собир ТУРСУНОВ,  
Светлана ОРТИКОВА,  
Талъат МУРОДОВ,  
Қодир ЖЎРАЕВ

Нашр учун масъул  
Рустам АҲМАДАЛИЕВ

(Бош муҳаррир биринчи ўринбосари)

«Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририй рухсати билан амалга оширилади. t — Тижорат мақолалар белгиси.

Нашр индекси 100

Навбатчи муҳаррир — Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ  
Навбатчи — Фулом ХИДИРОВ